БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 235 (17.815). • 12 октябрь 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллигига ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи—ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг бузилмас бирлиги!

5. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!

6. Коммунизм бинокори, бутун жаҳонда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Яшасин Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

8. Яшасин шонли колхозчи-деҳқонлар!

9. Яшасин совет халқ зиёлилари!

10. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

11. Яшасин Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ва енгилмас бирлиги!

12. Яшасин жаҳонда биринчи умумхалқ социалистик давлатининг Асосий Қонуни — СССР Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

13. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Давлат ва жамият ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг иштироки кенгаяверсин!

14. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун актив курашингиз!

15. Коммунистлар! Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун умумхалқ курашининг пешқадамлари бўлингиз!

16. Совет касаба союзлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, сиёсий ва хўжалик масалаларини ҳал этишда, меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашда актив қатнашингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

17. Йигит ва қизлар! Билим, маданият, профессионал маҳоратни қунт билан эгаллангиз!

Коммунизм учун онгли курашчилар бўлингиз!

Яшасин Ленин комсомоли!

18. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари—совет хотин-қизлари!

Оналарга шон-шарафлар! Бутун ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсинлар!

19. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз, совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг улуғ ғалабаларини сергаклик билан мустаҳкам равишда қўриқлангиз!

Яшасин СССРнинг шавкатли Қуролли Кучлари!

20. Октябрь ғалабаси учун, Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

21. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширингиз!

Съезд олдидан олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажарайлик!

22. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафларида бораётган Қизил байроқли коллективларга, беш йиллик гвардиячиларига шон-шарафлар!

23. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини мустаҳкамлангиз!

Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштирингиз ва улардан самарали фойдаланингиз!

Янги техникани, прогрессив технология ва илғор тажрибани жорий этингиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирингиз!

Байкал-Амур магистрали қурилиши суръатларини кучайтирингиз!

25. Оғир саноат ходимлари! Халқ хўжалигининг ёқилғи, энергия, металл, хом ашёга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ таъминлангиз!

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширингиз!

26. Совет машинасозлари! Ғоят унумли, тежамли ва мустаҳкам машиналарни, приборлар, механизация ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!

27. Химия саноатининг ходимлари! Ғоят самарали технологияни жорий этингиз, халқ хўжалигининг химиявий маҳсулотлар ва материалларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ таъминлангиз!

28. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, уларнинг турларини оширингиз, сифатини яхшилангиз!

29. Қурувчилар ва монтажчилар! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ўз вақтида ишга туширингиз, капитал маблағларнинг берадиган самарадорлигини оширингиз!

Замонавий техника асосида соз, тежамли қурингиз!

30. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат қилишни яхшиланг из!

31. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини ҳар тарафлама ва узлуксиз ривожлантириш учун курашингиз! Уни механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштирингиз, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантирингиз!

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини қайта ўзгартириш комплекс программасини актив амалга оширингиз!

32. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширингиз!

Ердан, техникадан ва ўғитдан яхши фойдаланингиз!

Бўлажак ҳосилга кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

33. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлангиз!

34. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма нарсадан халқ бахт-саодати йўлида фойдаланиш лозим!

35. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, уй-жой ва коммунал хўжалиги ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

36. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, интизомни мустаҳкамлангиз, ҳар бир иш минутидан унумли фойдаланингиз!

Металл, хом ашё, ёқилғи, электр энергиядан тежамли ва самарали фойдаланингиз!

37. Совет Иттифоқи гражданлари! Социалистик мулкни эҳтиёт қилиб асрангиз ва кўпайтирингиз!

Мамлакатнинг бойликларидан оқилона фойдаланингиз, жонажон табиатни муҳофаза қилингиз!

38. Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техникани, технологияни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштирингиз!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашингиз!

39. Совет олимлари! Тадқиқотлар самарадорлигини оширингиз, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлангиз!

Совет фанига шон-шарафлар!

40. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбия, информация ва пропаганда ишининг сифатини оширингиз!

Коммунистик ғоявийлик, ҳаётда актив позицияда туриш—ҳар бир совет кишисининг онгига сингдирилсин!

41. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтарингиз!

42. Халқ маорифи ходимлари! Таълим сифатини оширингиз!

Еш авлодни коммунизм руҳида, ўқиш ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

43. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ходимлари! Ғоявий жиҳатдан чиниққан, юқори малакали мутахассисларни тайёрлангиз!

Фанни ривожлантирингиз, коммунистик қурилишга қўшиладиган ҳиссани кўпайтирингиз!

44. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизмати сифати ва маданиятини оширингиз!

Фан ютуқлари ва илғор тажрибани кенг қўлланингиз!

45. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг шуҳратини оширингиз!

Физкультурани кундалик ҳаётга жорий қилайлик!

46. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Еш авлодни Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

47. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари! Совет Ватанини астойдил севингиз!

Билим ва маданиятни, меҳнат кўникмаларини сабот билан эгаллангиз!

Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлиб етишингиз!

48. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми негизида бутун жаҳон коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

49. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

(Давоми иккинчи бетда).

ТАРИХДА ЭНГ УЗОҚ КОСМИК УЧИШ ТУГАДИ

Космонавт ўртоқлар ПОПОВ ва РЮМИН Ерга қайтиб тушишди

«САЛЮТ-6»—«СОЮЗ» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИДА УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН КОСМИК УЧИШНИ ТАЙЁРЛАШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА ИШТИРОК ЭТГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА, КОСМОНАВТЛАР ЛЕОНИД ИВАНОВИЧ ПОПОВ, ВАЛЕРИЙ ВИКТОРОВИЧ РЮМИНГА

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатимиз космик фазони ўзлаштиришда янги ғалабани қўлга киритди. Совет космонавтлари Леонид Иванович Попов билан Валерий Викторович Рюмин Ер атрофи орбитасида уч йилдан кўпроқ вақтдан буён парвоз қилаётган «Салют-6» орбитал станциясида 185 кун давом этган ва космонавтика тарихида энг узоққа чўзилган киши бошқарадиган учишни амалга оширдилар.

Ана шу учиш вақтида илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг кенг программаси бажарилди. Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программаси юзасидан катта ҳажмдаги ахборот олинди. Космик материалшунослик, астрофизика, техника ва медицина, биологияга доир экспериментларга каттагина ўрин ажратилганди. Орбитал комплекс составида киши бошқарадиган ва такомиллаштирилган «Союз—Т-2» кемасининг синовлари муваффақиятли ўтказилди.

Космонавтика Ватани — Совет Иттифоқи космик фазони ўзлаштиришга қўшган жуда катта ҳисса бутун дунёда эътироф этилди. Планета халқлари киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз» илмий тадқиқот комплексининг учишини эўр эътибор билан кузатиб турдилар.

«Салют-6» илмий лабораториясининг ичида узоқ давом этган тўртта экспедиция ишлади ва саккиз экспедиция бориб келди. «Интеркосмос» программасига мувофиқ ана шу даврда Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Куба Республикасининг космонавтлари иштирокида халқаро экипажлар парвоз қилди.

Халқаро экипажлар Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари ҳамда мутахассислари биргаликда тайёрлаган тадқиқот ва экспериментлар программасини тўла-тўкис бажардилар.

Ватан космик техникасини ҳамда «Салют-6» станциясини яратиш вақтида саноат қабул қилган замонавий конструкторлик ва технологик ечимларнинг бутун бир комплекси юксак даражада пухталиги туфайли космосда узоқ вақт муваффақиятли ишлаш мумкин бўлиб қолди. Мана шу ноёб эксперимент чоғида орбитал комплексларини мунтазам суратда таъминлашнинг принципиал янги системаси муваффақиятли суратда пишиқтирилди. Приборлар ва агрегатларни ўз вақтида ўзгартириш ҳамда учиш давомида станциянинг иш ресурсини ва илмий тадқиқотлар ҳамда экспериментлар ҳажмини ошириш мақсадида уни янги аппаратлар билан қўшимча равишда таъминлаш учун асбоб-ускуналар «Прогресс» юк кемаси ёрдамида элтиб берилди.

Совет космонавтлари билан социалистик мамлакатларнинг космонавтлари ҳар томонлама маҳорат, мураккаб техникани чуқур билишларини, юксак маънавий фазилатларни намойиш қилиб, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Азиз Леонид Иванович Попов ва Валерий Викторович Рюмин ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети сизларнинг қаҳрамонона меҳнатингизни юксак баҳолайдилар ва узоқ давом этган ҳамда ўз натижаларига кўра қизғин ва самарали учишни аъло даражада бажарганлигингиз билан сизларни самимий табриклайдилар.

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида космонавтика тарихида энг узоқ давом этган киши бошқарадиган учишни амалга оширишда, киши бошқарадиган «Союз» кемаларини, шунингдек «Прогресс» юк кемаларини тайёрлашда, учиришда ва уни бажаришда иштирок этган олимларни, конструкторларни, космодром, учишни бошқариш маркази, космонавтларни тайёрлаш марказининг, команда ўлчов ва қидириш-қутқариш комплексларининг инженерлари, техниклари, ишчилари, мутахассисларни, барча коллективлар ва ташкилотларни янги улуғвор ютуқлар билан қизғин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар! Ватан космонавтикасининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди арафасида эришган янги муваффақиятлари совет фани ва техникаси бутун халқимизнинг астойдил меҳнати билан қўлга киритилган илғор марраларда турганлигининг ёрқин далилидир. Мана шу ютуқлар фанни ва мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари йўлида космосни ўзлаштириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга қўшилган ҳисса. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVI съездига ажойиб совғадир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



«Союз-35» космик кемаси экипажи — кема командири Леонид Иванович ПОПОВ (чапда) ва бортинженер СССР космонавт-учувчиси Валерий Викторович РЮМИН.

А. Пушкарев фотоси. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

Совет фани ва техникаси яна бир катта ғалабага эришди. Космонавтика тарихида космик фазода 185 сутка давом этган энг узоқ учиш муваффақиятли тугади.

Космонавт Леонид Иванович Попов билан Валерий Викторович Рюмин ўртоқлар «Салют-6» — «Союз» орбитал комплексининг ичида мураккаб ва кенг илмий-техник тадқиқот ва экспериментлар программасини бажариб бўлганларидан сўнг 1980 йил 11 октябрь куни Москва вақти билан соат 12 дан 50 минут ўтганида Ерга қайтиб тушишди. «Союз-37» кемасининг туширилувчи аппарати Жезқазғон шаҳридан 180 километр жанубий-шарққа қўнди.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССРНИНГ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ Л. И. ПОПОВга СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўртоқ Леонид Иванович Поповга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилсин, Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 11 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССРНИНГ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. В. РЮМИНга ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Валерий Викторович Рюмин Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ В. В. Рюмин жасоратини нишонлаш учун қаҳрамоннинг Ватанида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 11 октябрь.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллигига ЧАҚИРИҚЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!

50. Замонамизнинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

51. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги қардош партиялар ва халқларнинг бирлиги ҳамда жипслиги!

52. Америка империализмининг кирдикорларига қарши мардона курашаётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи!

53. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

54. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

55. Мустақил, эркин, халқ Кампучиясини барпо этаётган Кампучия халқига қардошлик саломи!

56. Апрель революциясининг ғалабаларини мардона ҳимоя қилаётган афғон халқига қардошлик саломи!

57. Капиталистик мамлакатларда эксплуатацияга ва монополияларнинг зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган ишчилар синфига, барча курашчиларга қардошлик саломи!

58. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлишга эришган ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда социал тараққиёт учун мардона кураш олиб бораётган халқларга қардошлик саломи!

59. Империализмга қарши, қитъани мустамлакачилик ва ирқчиликдан тамомила халос қилиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш олиб бораётган Африка халқларига оташин салом!

60. Реакция ва фашизмга қарши, ўз мамлакатларининг демократик тараққиёти учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

61. Фашист реакциясига қарши мардона кураш олиб бораётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократларига қардошлик саломи!

62. Халқларнинг озодлиги, демократия ва социализм учун мардона курашчилар — турмаларда ва фашист зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

63. Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши кураш олиб бораётган араб халқларига оташин салом!

Совет — Араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

64. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуролини жойлаштиришга қарши, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашингиз!

65. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун, Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

66. Улуғ ҳинд халқига оташин салом!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

67. Жаҳон халқлари! Ядро уруши хавфининг олдини олиш учун курашда бирлашингиз!

Империализмнинг, гегемонизм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба берингиз!

68. Жаҳон халқлари! Ядро қуролини ва ялпи қирғин қуролининг бошқа ҳамма турларини тақиқлаш учун, давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатмаслик учун изчил кураш олиб боринг!

АҚШнинг агрессив ядро стратегиясига йўл йўқ!

69. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

70. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

71. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ТАРИХДА ЭНГ УЗОҚ КОСМИК УЧИШ ТУГАДИ

(Боши биринчи бетда).

Қўниш жойида космонавтларни медицина текширувидан ўтказиш натижаси улар вазнсизлик ҳолатида узоқ вақт бўлишни яхши ўтказганликларини кўрсатди.

Л. И. Попов ва В. В. Рюмин ўртоқларнинг учиши 1980 йилнинг 9 апрелида «Союз-35» кемасида бошланган ва 10 апрель куни кема «Салют-6» станцияси билан туташганидан кейин космонавтлар орбитал комплекс ичидаги ишларни бажаришга киришгандилар. Экипаж станциянинг актив ишлаш муддатини узайтириш мақсадида аччагина ремонт-профилактика ишларини бажарди, борт системалари ва илмий аппаратларнинг айрим элементларини алмаштирди.

27 май куни «Союз-36» кемаси орбитал комплекс билан туташтирилди. Бу кемани СССРнинг космонавт-учувчиси Валерий Николаевич Кубасов билан ВХР граждани Берталан Фаркаш бошқарган эдилар. 24 июлдан 31 июлгача комплекс ичида СССРнинг космонавт-учувчиси Виктор Васильевич Горбатко билан ВСР граждани Фам Туандан иборат халқаро экипаж комплекс ичида ишлади. 19 сентябрда СССРнинг космонавт-учувчиси Юрий Викторович Романенко билан Ғарбий ярим шардаги социалистик давлат пакили Куба Республикасининг граждани Арнальдо Тамайо Мендесдан иборат халқаро экипаж орбитал станцияга чиқарилди. Барча халқаро экипажлар Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари тайёрлаган мўлжалдаги тадқиқот ва экспериментларни муваффақиятли бажарди.

6 июнда Юрий Васильевич Малишев ва Владимир Викторович Аксенов ўртоқлар бошқарган такомиллаштирилган «Союз—Т-2» транспорт кемаси «Салют-6» станцияси билан туташтирилди. Космонавтлар орбитал комплекс составидаги «Союз—Т-2» кемаси ичидаги системаларни синаб кўрдилар ва ишлатдилар.

Асосий экипажнинг 185 суткалик учиши ҳамда «Интеркосмос» программасига мувофиқ халқаро экипажларнинг учиши чоғида жуда кўп илмий-техник ва медицина-биологиявий тадқиқот ва экспериментлар бажарилди.

Орбитал комплекс экипажларининг иш программасида халқ хўжалиги турли тармоқлари тақозо этган масалаларни ҳал этишга қаратилган геофизик тадқиқотларга катта ўрин берилди. Шу мақсадда космонавтлар Ер юзи ва жаҳон океани акваториясини мунтазам равишда кузатиб, фотосуратга олиб бордилар. Совет Иттифоқи территориясининг катгина қисми, шунингдек қисман Венгрия Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Куба Республикаларининг территориялари фотосуратга олинди.

Минерал хом ашё ресурсларини тадқиқ этиш манфаатлари, табиий ландшафтлар динамикаси, деҳқончилик ерларининг мавсумий ўзгарувчанлигига доир, жаҳон океанининг биологик маҳсулдорлигини, денгизда сузиш ва баликчилик шароитларини ўрганиш мақсадида унинг акватории тўғрисида муҳим статистик материал йиғилди.

Микрогравитация шароитларида ним ўтказгич материаллар, янги хоссаларга эга бўлган металл қотишмалар ва бирикмалар олиш мақсадида «Қотишма» ва «Кристалл» установкаларида 70 тага яқин эксперимент ўтказилди. Космик вакуум ва вазнсизлик шароитларида металл қоплаш методларини ишлаб чиқиш давом эттирилди.

Учиш мобайнида экипажлар киши организмига, шунингдек юксак ўсимликлар ва бошқа биологик объектларнинг ўсиб ривожланишига космик учиш омиллари таъсирини аниқлашга доир жуда кўп медицина биологик тадқиқотларни бажардилар. Космонавтлар мунтазам равишда медицина текширувидан ўтказилиб турилди. Профилактик медицина тадбирлари комплекси туфайли ярим йил мобайнида Попов билан Рюмин соғлиғини яхши сақлаш ҳамда юксак иш қобилиятларини сақлаш мумкин бўлди.

Совет космонавтлари ҳамда Венгрия, Вьетнам ва Куба космонавтларининг фидокорона ишлашлари натижасида олинган қимматли илмий маълумотлар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар фани ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг кўламда қўлланилади.

Космонавтика тарихида энг узоқ орбитал учиш ҳамда халқаро экипажларнинг учиш мўлжалланган программасининг муваффақиятли бажарилиши, техник воситалар пухта ишлаганлиги, илмий коллективлар, конструкторлик коллективлари ва ишлаб чиқариш коллективларининг космонавтлар экипажлари, учишни бошқариш маркази, космодром команда-ўлчов ва излаш-қутқариш комплекс мутахассисларининг уюшқоқлик билан аниқ ишлаганликлари натижаси бўлди.

«Салют-6» илмий станцияси Ер атрофи космик фазосида учаётганига уч йилдан ошди, киши бошқарадиган режимда учганига бир ярим йилдан ошди. Шу вақт ичида унинг ичида тўртта асосий экспедиция ва саккизта бориб қайтадиган экспедиция ишлади. «Прогресс» автомат юк кемалари «Салют-6» — «Союз» киши бошқарадиган комплексининг узоқ вақт мобайнида актив ишлашини таъминлаб турди. Бу кемалар станцияга ёқилғи, ускуна, аппарат, озиқ-овқат, космонавтлар ҳаёт фаолиятини ва илмий тадқиқотлар ўтказишини таъминлайдиган материаллар етказиб турди.

«Салют-6» — «Союз» — «Прогресс» космик системасининг учиши чоғида ремонт профилактика ишларини ўтказишга, илмий аппаратлар ва станция жиҳозлари составини кенгайтиришга имкон берган инженер-техник ечимлар илмий ва халқ хўжалик аҳамиятидаги киши бошқарадиган узоқ муддатли комплекслар яратиш йўлида босилган янги бир катта қадамдир.

Совет фани ва техникасининг юксак даражаси туфайли мумкин бўлган космик фазони тадқиқ этишда эришилган катта ютуқлар бутун инсониятнинг фаровонлиги йўлида космосни тинч йўл билан ўзлаштириб боришда янги-янги истиқболлар очиб беради.

ХИМИКЛАР СИМПОЗИУМИ

Катализ соҳасида бундан бўёғи тадқиқотларнинг актуал масалаларини муҳокама қилган Бутуниттифоқ симпозиуми 11 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тугатди. Якунловчи мажлисда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. А. Кабанов симпозиумни якунлади. Симпозиумда юзтадан кўп доклад қилинди, ахборотлар берилди. Унинг ишида мамлакатнинг кўпгина илмий-тадқиқот муассасаларидан келган химик олимлар, шунингдек Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакиядан келган меҳмонлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Л. И. ПОПОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Леонид Иванович Поповга «СССР космонавт-учувчиси» унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 11 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Иван Флегонтович Синицин пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ Александр Александрович Ежевский СССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети раиси вазифасидан озод этилиб, СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри қилиб тайинланди.

Ўртоқ Леонид Иванович Хитрун СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети раиси вазифасидан озод этилиб, СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри қилиб тайинланди.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 2 октябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ўндан ортиқ болани туғиб тарбиялаган кўп болали 315 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади. (ЎзТАГ).

5 850 000 ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 11 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0,22	103,72	0,22	97,48
Бухоро	2,91	98,36	3,95	65,57
Қашқадарё	2,41	91,80	3,12	73,21
Жиззах	1,67	86,51	1,52	92,74
Сурхондарё	2,31	85,58	1,97	73,33
Сирдарё	1,01	84,50	0,98	88,49
Самарқанд	2,04	81,42	2,36	57,90
Фарғона	2,15	77,23	2,77	53,42
Хоразм	2,11	75,36	3,15	56,32
ҚҚАССР	1,81	73,12	2,00	62,06
Андижон	2,32	71,63	2,82	47,45
Наманган	2,54	65,50	2,95	44,09
Республика бўйича:	1,99	81,60	2,39	68,95
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	2,85	71,18	3,27	57,36
Бухоро	1,76	61,98	2,92	13,05
Қашқадарё	2,73	51,89	3,54	32,06
Наманган	1,64	46,43	—	15,34
Республика бўйича:	2,69	64,17	3,24	44,63

БУХОРО ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТИ

Бухоро области қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, меҳнатда катта ғалабага эришдилар ва йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари, 11 октябрда бажардилар. Ватан омборларига 551 минг тонна пахта, шу жумладан 19 минг тонна энг қимматли нпак пахта юборилди. Ҳосилнинг ярми машиналарда терив олинди. Гектар бошига 32,8 центнердан пахта олинди. Тайёрланган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Пахта беш йиллиги муваффақият билан бажарилди. Давлатга беш йиллик пландан ташқари 100 минг тоннадан кўп «оқ олтин» сотилди.

Область пахтакорларининг меҳнат ғалабаси қизғин илҳомбахш меҳнат билан қўлга киритилди. Ромитан, Ғиждувон, Пешку, Қизилтепа районларининг колхоз ва совхозлари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги тўғрисида республикада биринчилар қатори рапорт бердилар. Ҳозир областдаги Олот, Навоий, Навбаҳор районларининг хўжаликлари, 52 колхоз ва совхоз, 110 бригада ҳам оширилган социалистик мажбуриятлар ҳисобидан пахта топширмоқда.

Бухоролик деҳқонлар ва чорвадорлар давлатга дон, пилла, сабзавот, полиз экинлари, хўл мева, узум, тухум топшириш беш йиллик планларини ҳам муваффақият билан бажардилар. Гўшт, сут, қора кўл тери, жун ўтган йилга нисбатан кўпроқ тайёрланди.

Область қишлоқ хўжалигининг ходимлари, шаҳарлар, посёлкалар, район марказларининг меҳнаткашлари, ўқувчи ёшлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан мўл ҳосил йиғим-теримини тезроқ тугатишга ҳамма куч-ғайратларини сарфлаяптилар, шу йил рекорд миқдорда Бухоро пахтасини териб, давлатга топшириш учун маҳкам бел боғлаганлар.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Республика колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари ўз байрамлари — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисидаги ғалаба рапортлари билан келмоқдалар. Пахта далаларида терим мавсуми қизиган, етиштирилган бутун мўл ҳосилни қисқа муддатда нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» бериш учун кураш бормоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланди. Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев очди. Республика қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НУКУС, 11 октябрь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида 1980 йил ва умуман беш йиллик топшириқларни муваффақиятли бажариш соҳасида автоном республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов доклад қилди.

Пленум план ва мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун Қорақалпоғистонда мавжуд барча резерв ва имкониятларни ишга солиш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилади.

11 октябрь куни Тошкент шаҳар ижроия комитетида бўлиб ўтган суҳбатда «Финляндия — СССР» жамиятининг раиси, давлат маслаҳатчиси Мартти Миеттунен қўйидагиларни айтди: Меҳмондўст ўзбеклар диёрида бўлган дастлабки кунимиз бизда унутилмас таассурот қолдирди. Биз Ўзбекистон тарихан қисқа муддат ичида нақадар юксак ўлқиларга эришганлигини, бу ерда экономика, фан ва маданият нақадар улкан одимлар билан ривожлантирилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўриб, қаноат ҳосил қилдик.

МАДАНИЯТ КУНЛАРИ: САҲБАТЛАР, УЧРАШУВЛАР

Шу куни меҳмонлар шаҳарнинг ижодкор зиёлилари билан учрашдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини бориб кўрдилар.

Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг артистлари санъатдош ҳамкасбларини самимий кутиб олдилар. Дунёдаги кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Финляндия томошабинлари мана шу машҳур коллективнинг санъати билан танишдилар. Миллий фин рақси ўзбек рақ-қосаларининг Суоми мамлакатида бўлганликларидан эсдаликдир. Учрашувда таниш куй янграганида улар бу рақсни «Турун кийкурит» халқ рақс ансамбли билан биргаликда ижро этдилар.

М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясининг студентлари ва ўқитувчилари финляндиялик созандаларни Ян Сибелиуснинг «Экспромт»ини ижро этиб кутиб олдилар. Бу ерда қўйилган концертда улар Финляндия музика санъати арбоблари билан бир программада маҳоратларини намойиш этдилар.

Финляндия маданияти байрами давом этмоқда. Тошкентда фин экран усталари ҳужжатли ва бадиий фильмларининг тематик кўриги бошланди. Меҳмонлар олиб келган кўргазмалар томошабинларга манзур бўлмоқда.

(ЎзТАГ).

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Жиззах областида қолдирилди (область партия комитетининг секретари Т. Б. Боймиров, область ижроия комитетининг раиси Э. И. Исломов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Н. Н. Нуритдинов, «Главсредазирсовхозстройга қарашли «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг бошлиғи У. Х. Мажидов, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи Қ. Ш. Шодиев, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси Х. Д. Жўраев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи А. Г. Собиров, область комсомол комитетининг секретари З. С. Болтабоева, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Ю. Д. Жўрабоев). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 86,51 процент, машина терими социалистик мажбуриятини 92,74 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 35 процент ўсишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сирдарё области (область партия комитетининг секретари В. А. Хайдуров, область ижроия комитетининг раиси И. У. Қўчқоров, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. А. Ибодуллаев, «Главсредазирсовхозстройга қарашли «Голодностепстрой» территориал бошқармасининг бошлиғи А. Ш. Ҳабибуллаев, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи М. Х. Ҳамидов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси М. К. Хобта, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Г. Б. Ҳасанов, область комсомол комитетининг секретари П. Д. Дўсматов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси А. Д. Нишонов). Бу область пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 84,5 процент, машина терими социалистик мажбуриятини 88,49 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 36,99 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент областидан олиб берилади;

Бухоро областининг **Навоий районида** (район партия комитетининг секретари С. Умаров, район ижроия комитетининг раиси К. Раззоқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи В. Исломов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси И. Тилавов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Т. Турсунов, район комсомол комитетининг секретари Э. Зоҳидова, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси М. Сатторова). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 100,09 процент, машина терими планини 87,82 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 53,82 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Ғалаба районидан олиб берилади;

— Андижон областининг **Бўз районида** (район партия комитетининг секретари М. Эминов, район ижроия комитетининг раиси А. Сатторов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Ахмадалиев, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Б. Зулфиқоров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи В. Чеберяк, район комсомол комитетининг секретари А. Ҳолматов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси М. Абдуллаев). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 88,05 процент, машина терими планини 106,59 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 43,85 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Бўка районидан олиб берилади;

— Сирдарё областининг **қўрғин Оқ олтин районида** (район партия комитетининг секретари Ш. Ж. Тетуев, район ижроия комитетининг раиси Н. Фозилов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи П. Тхай, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Э. Юсупов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Б. Зулқайнаров, район комсомол комитетининг секретари Б. Аҳмедов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси А. Абдурахмонов). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 80,26 процент, машина терими планини 98,53 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 56,78 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Ильич районидан олиб берилади;

— Қашқадарё областининг **Нишон районида** (район партия комитетининг секретари Ж. Хушназаров, район ижроия комитетининг раиси Х. Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Б. Рўзиев, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Т. Холиёров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Э. Сувонов, район комсомол комитетининг секретари С. Хўжакулов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси Б. Назаров). Бу район пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 90,67 процент, машина терими планини 86,83 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахта тайёрлашнинг 39,14 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё области Ленин йўли районидан олиб берилади;

— Бухоро область **Навоий районидаги «Нарпай» совхози** (совхоз директори Х. Зайниев, партия ташкилотининг секретари А. Раҳмонов, ишчилар комитетининг раиси З. Каттаев, комсомол комитетининг секретари Д. Ҳамдамов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 95,9 процент, шу жумладан машина терими планини 114,24 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 72,96 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент область Ғалаба районидаги Тошкент қишлоқ хўжалик институтига қарашли Киров номли ўқув хўжалигидан олиб берилади;

— Сирдарё область **Оқолтин районидаги қўрғин «Фарғона» совхози** (совхоз директори С. Сиддиқов, партия ташкилотининг секретари Х. Баҳриев, ишчилар комитетининг раиси Ф. Тошмуҳаммедова, комсомол комитетининг секретари М. Каримов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 100,92 процент, шу жумладан машина терими планини 125,57 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 72,83 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Ильич районидаги Узоқов номли совхозидан олиб берилади;

— Қашқадарё область **Нишон районидаги «Оқ олтин» совхози** (совхоз директори Р. Тоштемиров, партия ташкилотининг секретари К. Бозоров, ишчилар комитетининг раиси П. Давлатов, комсомол комитетининг секретари Д. Хуррамов). Бу совхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 73,68 процент, шу жумладан машина терими планини 72,03 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахта тайёрлашнинг 46,65 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозидан олиб берилади;

— Самарқанд область **Каттақўрғон районидаги К. Маркс номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси У. Кувонов, партия ташкилотининг секретари Ж. Тешаев, касаба союз комитетининг раиси Х. Шодмонов, комсомол комитетининг секретари Х. Омонов). Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 108,77 процент, шу жумладан машина терими планини 94,97 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 60,66 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент область Бўка районидаги Тимирязев номли колхозидан олиб берилади;

— Сурхондарё область **Ангор районидаги Кўйбишев номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси А. Хўжамқулов, партия ташкилотининг секретари Б. Йўллиев, касаба союз комитетининг раиси Д. Ҳасанов, комсомол комитетининг секретари А. Сафаров). Бу колхоз пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 90,85 процент, шу жумладан машина терими планини 56,52 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахта тайёрлашнинг 37,01 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ шу райондаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозидан олиб берилади.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЮТУКЛАР ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Барча совет кишилари каби республикамиз қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам ўзларининг анъанавий байрамларини КПСС XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқларидан келиб чиқадиган улуғвор вазифаларни барча соҳаларда муваффақиятли бажариш билан кутиб олмоқдалар. Серқуёш Ўзбекистонимиз дон, сабзавот, полиз, мева, пилла тайёрлаш беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди, бошқа тармоқлар бўйича белгиланган планлар ҳам яқин фурсатларда адо этилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги улкан муваффақиятлари учун Ўзбекистонимиз бир неча йиллан буён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилмоқда, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик Қизил байроғини қўлга киритиб келмоқда. 38 колхоз ва совхоз СССР орденлари билан мукофотланди. Фақат тўқизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик ходимларидан 11 киши Давлат мукофотининг лауреати бўлди, 43.115 киши орден ва медаллар билан мукофотланди, 45 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Республикамиз пахтачиликда жаҳонга донг таратмоқда. Пахтанинг ялпи миқдори экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтирилмоқда. Бунда деҳқончиликнинг беш омили — ер, сув, ўғитлар, механизация, ирригация-мелиорация ва оқилона фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Масалан, 1960 йилдагига қиёсланганда ҳар гектар ердан олинган пахта 11 центнер кўпайтирилди, бу йил республика бўйича 32 центнерга етказилади. Бу йилги пахта йиғим-терими жадал давом эттирилянти. Ҳозирдаёқ юзлаб колхоз-совхозлар, ўнлаб районлар гектаридан 35 центнердан ва ундан юқори ҳосил олдилар. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, республикамиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи босқичида она-Ватанга 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб адо этадилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, республикамиз дон тайёрлаш беш йиллик планини ортиғи билан адо этди. Айниқса маккажўхори дони тайёрлаш кучайтирилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёш маккажўхорикорларга йўллаган мактуби бу борада катта ғалабага эришувимизнинг муҳим омили бўлди. Кейнинги етти йил мобайнида маккажўхори дони тайёрлаш тўқиз баравар кўпайтирилди, эндиликда камида 1 миллион 300 минг тонна миқдорида «каҳрабо дон» тайёрланмоқда. Ҳосилдорлик 38,4 центнердан 70 центнерга кўтарилди. Юзлаб маккажўхорикорлик бригадалари гектаридан 100 центнер ва ундан юқори хирмон кўтармоқда. Ҳақли равишда маккажўхорини қомсомол экини деб атаймиз. Республикамизда деярли 2,5 минг комсомол-ёшлар бригадаси маккажўхорикорлик билан шуғулланиб, дон ва озуқа тайёрлашда энг юксак кўрсаткичларга эришмоқда.

Республикамизда шоли етиштириш йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Тайёрланаётган 500 минг тоннадан кўпроқ шолининг 80 проценти ихтисослаштирилган хўжаликлар ҳисобига тўғри келмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент областлари шоликорларининг меҳнат зафарларидан мамнунмиз. Бу областларда гектаридан 55—60 центнердан шоли хирмони кўтариш одат тусига киритилмоқда.

Сабзавот етиштиришда туб ўзгаришлар юз берди. Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар тайёрланаётган картошканинг 68 процентини, сабзавотнинг 50 процентини етказиб берадиган бўлдилар. Тўқиз йилнинг тўқиз йилдагига нисбатан ўнинчи беш йилликнинг ҳар йилида картошка тайёрлаш ўртача 30 минг тонна, сабзавот 500 минг тонна, полиз маҳсулотлари 170 минг тонна, мева 114 минг тонна, узум тайёрлаш 107 минг тонна кўпайтирилди.

Пиллакорларимиз шу йилнинг ўзида она-Ватан хазинасига 30,3 минг тонна юқори сорт «кумуш тола» етказиб бериб, республикамиз пиллачилиги тарихида энг юксак кўрсаткичга эришдилар, тўқизинчи беш йилликдагига нисбатан 24,3 процент ўсишни таъминладилар.

Республикамиз чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Бу юксак мукофот чорвадорларимизни янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Чорвачилик саноат негизида шаҳдам ривожлантирилянти. Натижада ўнинчи беш йилликнинг ўтган даврида тўқизинчи беш йилликдагига нисбатан ўнинчи беш йилликнинг ҳар давридагига нисбатан гўшт харид қилиш 28,7 процент, сут 38,2 процент, тухум харид қилиш 61,9 процент кўпайтирилди. Айни кезда шуни ҳам эътироф этиш керакки, чорва маҳсулотлари тайёрлаш халқ истеъмоли талабларидан анча орқада қолмоқда.

Республика партия ва ҳукумати 1981—1985 йилларда пахта, дон, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда чорвачиликни янада ривожлантириш, маҳсулотлар мўл-кўллигини бунёдга келтириш юзасидан улкан тадбирлар белгилади. Шу тадбирларга асосан келгусида 1978 йилда ҳақиқий тайёрланганига нисбатан гўшт 48 процент, сут 45 процент, тухум 2 баравар кўпайтирилади. Шу мақсадда 69 та чорвачилик комплекси қурилиб ишга туширилади. Ана шу даврда 500 минг гектарга яқин суғориладиган янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади, чорва моллари учун озуша етиштириш кескин кўпайтирилади.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликлари туфайли қишлоқларимиз шаҳар типида қайта қурилмоқда, қишлоқ меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланмоқда, хуторлар ўрнида бунёдга келтирилаётган замонавий посёлкаларда аҳолининг маданий ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ҳамма қулайликлар яратилмоқда, медицина, савдо, маданий-маиший муассасалар тармоғи кенгайтирилмоқда. Ўтган йилдагина қишлоқ аҳолисига 40 миллион сўмликдан кўп коммунал хизмати кўрсатилди, эндиликда 62 миллион сўмга яқин хизмат кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Қишлоқ жойларда физкультура ва спортнинг ҳамма турлари кенг қўламда ривожлантирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, хусусан пахтачиликни шаҳдам одимлар билан ривожлантириш, самарадорликни ошириб, сорт ва сифатни яхшилашга «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш», Тошкент трактор, Самарқанд «Красный двигатель», «Андижанирмаш» заводларининг фидокор коллективлари жуда катта ҳисса қўшиб келаётганликларини мамнунлик билан таъкидлаб ўтамиз.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги олий ва махсус ўрта маълумотли кадрлар билан тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда. Ҳозир қишлоқ хўжалиги соҳасида 60 мингдан зиёд мутахассис жўшқин меҳнат қилмоқда. Партиямиз уларни кўз қорачиғидай асраб камолотга етказмоқда, ўз соҳаларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишлари учун ҳамма имкониятларни яратиб бермоқда. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кўнг байрамида халқимиз, партиямиз колхоз ишлаб чиқаришининг ветеранлари Усмон Юсупов, Ҳамроқул Турсунқулов, Ҳамроқул Нўсиров, Абдулла Ортиқов, Абдужамил Матқобулов, Чўлли Бегимқулов, Жабай Балиманов, Норали Боймуродов, Ким Пен Хва ва бошқаларнинг номини фахр билан тилга олади, уларнинг ўлмас ишларини давом эттириш билан янада янги қаҳрамонликлар намунасини кўрсатаётган ажойиб ташкилотчилардан Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Турғун Мирзаев, Бобомурод Омонов, Мақсуд Маъмуров, Аҳмаджон Одилов, Жониқул Юсупов, Аҳмаджон Юсупов, Турсунбой Латипов, Абдусамат Тиллабоев, Маннаб Жалолов, Зариф Худойберганов ва бошқа кўпгина донгдор раҳбар кадрларимизнинг тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқда.

Кўплаб хотин-қизларимиз республикамизнинг пахтачилик, чорвачилик соҳасидаги довруғига довруқ қўшмоқдалар. Булар орасида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Анастасия Чудная, Минаввар Исоқова ва бошқалар бор. Партия ташкилотларининг ғамхўрликлари туфайли уларнинг юзлаб, минглаб издошлари етишиб чиқмоқда ва камол топмоқда.

Ҳозир республика меҳнаткашлари энг долзарб кунларни бошдан кечирмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан қалбида виждони, билагида кучи бор кишиларнинг ҳаммаси пахта теримига отландилар. Якунловчи йилда она-Ватанга 5 миллион 850 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтин»ий етказиб бериш республикамизда яшаб, меҳнат қилаётган ҳамманинг виждоний бурчига айланди. Бу юксак маррани сўзсиз эгаллаймиз.

Сизларни, азиз қишлоқ меҳнатчилари ва улкан «оқ олтин» ҳирмони яратиш учун ёрдамга отланган барча ҳашарчиларни Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кўнг байрами билан чин юракдан табриклайман, бунёдкорлик ишларингизда янада катта муваффақиятлар тилайман.

А. УРКИНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг боришн тўғрисида шу йил 11 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
БЎКА	117,13	113,19
ҒАЛАБА	111,11	111,46
ПИСКЕНТ	108,33	120,76
БЕКОБОД	103,58	97,26
ОҚҚЎРҒОН	101,88	96,64
ЧИНОЗ	100,10	102,45
Янгийўл	96,28	91,32
Коммунистик	94,59	83,93
Урта Чирчиқ	89,13	94,33
БУХОРО ОБЛАСТИ		
РОМИТАН	126,05	80,97
ҒИЖДУВОН	117,12	77,64
ПЕШКУ	114,20	81,88
ҚИЗИЛТЕПА	103,07	97,25
НАВОИЙ	100,09	87,82
ОЛОТ	100,02	74,10
Навбаҳор	97,40	73,03
Шофиркон	95,13	89,18
Бухоро	90,37	56,71
Вобкент	89,75	84,94
Қоракўл	86,92	65,64
Свердлов	84,64	61,36
Когон	63,01	32,31
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
ШАҲРИСАБЗ	107,95	73,75
ҚАМАШИ	107,61	72,95
ТОЛЛИМАРЖОН	106,72	105,18
КИТОБ	101,68	90,02
Ғузор	99,09	81,41
Муборак	95,22	78,51
Баҳористон	93,17	69,65
Чироқчи	91,60	73,00
Яккабоғ	91,02	52,81
Нишон	90,67	86,83
Косон	90,64	76,06
Қарши	88,36	83,66
Усмон Юсупов	70,88	67,27
Ульянов	69,59	51,96
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Октябрь	95,96	98,54
Арнасой	91,15	95,99
Дўстлик	86,57	100,44
Жиззах	85,37	74,70
Пахтакор	82,93	77,70
Мирзачўл	82,14	89,68
Зарбдор	80,86	70,71
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
ШЎРЧИ	100,41	78,98
БОЙСУН	100,23	63,74
Қумқўрғон	94,47	78,96
Сариосиё	94,20	70,58
Денов	87,38	67,75
Ангор	87,36	69,55
Ленин йўли	86,32	101,37
Гагарин	75,93	79,34
Жарқўрғон	75,66	42,56
Термиз	71,01	22,25
Шеробод	65,39	67,52
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
ИЛЬИЧ	100,76	111,91
Ворошилов	87,64	99,81
Комсомол	87,40	87,27
Гулистон	85,00	94,14
Меҳнатобод	84,40	91,51
Боёвут	83,41	95,31
Оқолтин	80,26	98,53
Сирдарё	73,66	72,54
Ховос	67,40	63,70
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
ҚАТТАҚЎРҒОН	102,33	77,53
Пахтачи	91,26	93,54
Хатирчи	88,42	69,83
Нарпай	88,31	55,57
Иштихон	83,56	56,98
Пастдарғом	77,46	60,54
Большевистик	76,43	46,23
Ўгдарё	73,56	47,26
Булунғур	69,24	17,95
Жомбой	67,68	46,48
Пайариқ	66,41	38,58
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Киров	93,92	62,16
Бувайда	86,86	68,37
Ленинград	86,31	60,16
Ўзбекистон	83,94	61,95
Риштон	80,52	54,21
Фрунзе	77,32	69,14
Бағдод	75,99	62,31
Қувасой шаҳри	74,56	43,05
Ғарғона	72,57	37,18
Қува	72,22	57,51
Олтиариқ	70,46	35,09
Охунбобоев	64,77	34,71
Тошлоқ	64,11	41,70
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хива	86,98	64,55
Хонқа	82,31	64,88
Урганч	77,28	57,33
Янгиариқ	75,95	76,65
Гурлан	73,94	55,66
Қўшкўпир	73,32	60,09
Ҳазорасп	72,60	62,91
Шовот	69,72	47,82
Боғот	68,14	57,79
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Нукус	86,95	84,66
Эллиққалъа	84,97	83,13
Тўрткўл	84,53	60,49
Беруний	79,02	74,94
Шуманай	78,61	71,59
Хўжайли	77,63	75,99
Ленинобод	74,98	76,70
Қўнғирот	68,97	51,75
Қораўзак	66,37	64,66
Амударё	65,51	47,41
Кегейли	62,50	62,19
Чимбой	56,83	67,28
Тахтакўпир	46,43	40,57
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Комсомолобод	101,70	91,59
Бўз	88,05	106,39
Ленин	77,55	24,55
Марҳамат	73,00	43,61
Олтинкўл	71,16	42,70
Москва	70,97	48,58
Избоскан	69,82	48,18
Андижон	69,36	30,54
Балиқчи	69,27	53,51
Хўжаобод	68,00	35,65
Пахтаобод	65,06	42,34
Қўрғонтепа	57,91	46,92
Жалолқудуқ	54,55	31,83
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Косонсой	80,31	61,15
Наманган	78,79	65,07
Уйчи	77,95	37,51
Тўрақўрғон	77,67	70,98
Чуст	74,06	30,08
Норин	69,66	55,46
Поп	69,51	57,83
Янгиқўрғон	64,65	22,79
Учқўрғон	52,36	43,01
Задарё	30,69	28,15

ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Пахта йиғим-теримида қатнашаётганлар олдида оғир синовлар кўндаланг бўлди — республиканинг бир қатор областларида ёмғир ёғиб ўтди. «Ҳаммамиз ва ҳар биримиздан, — дея таъкидланади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатида, — юксак даражадаги сафарбарлик, ишда пухта уюшқоқлик ва аҳиллик талаб этилади». Об-ҳаво инжиқликларини зўр ирода ва маҳорат, қатъият ва мардлик билан енгайлик, бутун ҳосилни сўнгги чаноғигача тезроқ йиғиб-териб олайлик.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Қашқадарё область **Шаҳрисабз районининг** пахтакорлари мажбуриятларини бажардилар. Давлатга 61800 тонна пахта топширилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 37,5 центнердан ҳосил олинди. «Оқ олтин»нинг ярмидан кўпроғи машиналарда териб олинди. Районда биринчи марта етиштирилган ингичка толали пахтадан 2500 тонна ҳосил олинди. Пахтакорлар ўз имкониятларини чамалаб, ялпи пахта ҳосилни 70 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

ШЎРЧИ РАЙОНИНИНГ деҳқонлари Сурхондарё областида биринчи бўлиб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлатга 72600 тонна пахта сотилди, ҳосилдорлик 39 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 72 процента машиналарда териб олинди. Шўрчиликлар ялпи хирмони 85 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

ЛЕНИН ЙЎЛИ РАЙОНИНИНГ механизаторлари ҳосилни машинада териш топшириғини бажардилар. Машина бункерларидан 40 минг тонна пахта тўкилди. Бу ялпи хирмоннинг 95 процентини ташкил этади. Бу областда энг юқори кўрсаткичдир. Ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 110 тоннадан пахта терилди.

Сурхондарё областида шу кунгача 16 хўжалик, 31 бўлим, 671 бригада пахта тайёрлаш планини бажарди.

* * *

Андижон область **Пахтаобод районидаги** Ёқубов номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу хўжаликни КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мақсудахон Умарова бошқармоқда. Хўжаликда ҳосилдорлик 37,3 центнерга етказилди.

* * *

Қашқадарё область **ЯКАБОҒ РАЙОНИДАГИ «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» КОЛХОЗИ** пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. Хирмонга 3702 тонна хом ашё топширилди. Шу кунгача ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинди. Пахта тайёрлаш давом этмоқда. Хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни 55 центнерга етказишга аҳд қилишди.

* * *

Андижон область **Избоскан районидаги** «Партия XX съезди» колхози 7600 тонна пахта топширди. Бу билан хўжалик плани бажарилди. Колхоз пахтакорлари ялпи ҳосилни 10 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ЮТУҒИ

Қашқадарё область НИШОН РАЙОНИДАГИ «СССР 50 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИДАН ака-ука Қиёмовлар бир кунда 50 тонна пахта териб олдилар. Оилавий экипаж мавсум бошидан буён машина бункеридан 1327 тонна пахта тўкди.

* * *

Сирдарё область **ИЛЬИЧ РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 60 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ** йиллик планни бажарди. Область хирмонига бу хўжаликдан 6800 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Машина терими плани 110 процент бажарилиб, ҳосилдорлик 20,4 центнерни ташкил этди. Совхоз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил кўтаришга ҳамда давлатга ҳаммаси бўлиб 9300 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

* * *

Самарқанд область **БОЛЬШЕВИСТИК РАЙОНИДАГИ «САМАРҚАНД» СОВХОЗИ** планни бажарди. Давлатга 6555 тонна хом ашё топширилди.

БУТУН ҲОСИЛ ХИРМОНГА

Ғарғона область **Бувайда районидаги Дзержинский номли қўриқ совхоз** давлатга пахта сотиш социалистик мажбуриятини бажарди. Ҳар гектар ердан 24,8 центнердан ҳосил олинди. Совхоз механизаторлари 1458 тонна ҳосилнинг 708 тоннасини машиналарда теришди. Хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни 27 центнерга етказиш ва мавсум охиригача қўшимча 200 тонна «оқ олтин» топиришга қарор қилдилар.

* * *

Ғарғона областидаги **«Шарқ юлдузи» совхози** (Қувасой) йиллик планни бажарди. Давлатга 1970 тонна пахта топширилди. Ҳосилнинг 50 процентдан кўпроғи машиналарда терилди. Тўхтасин Ҳасанов, Қурбонали Кенжаев, Маратжон Эшматов бошлиқ илғор бригадаларда ҳосилдорлик 30—33 центнерга етказилди. Совхоз пахтакорлари яна 650 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

МАШИНАЛАР НЕГА ИШЛАМАДИ?

Ўтган куни Андижон областида 600 дан ортиқ машина ишламади. Пахтаобод районида 74 та, Ленин районида 57 та, Олтинкўл районида 58 та агрегат ишга тушмади. Айрим хўжаликларда икки сменали иш куни ташкил этилмади.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Самарқанд области пахта тайёрлаш беш йиллик планни бажарди. Ватанга 2650 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди. 1 миллион 585 минг тонна пахта машиналарда терилди. Бу умумий муваффақиятга Иштихон, Хатирчи, Каттақўрғон, Пахтачи, Нарпай ва бошқа районлар катта ҳисса қўшдилар. 38 хўжалик ва 600 бригада беш йиллик топшириқни бажарди.

ШОЛИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Қорақалпоғистон АССР **Амударё районидаги энг йирик Ленин орденли М. Горький номли совхоз** меҳнаткашлари пахта тайёрлаш беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 70 минг тонна пахта топширилди. Беш йиллик мобайнида ҳосилдорлик 28 центнердан 40 центнерга кўтарилди.

Қорақалпоғистон бўйича 5 та район, 40 та хўжалик беш йиллик топшириқни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Қорақалпоғистондаги қўриқ хўжаликларнинг меҳнаткашлари беш йиллик бошлангандан буён Батан омборига 1 миллион тонна шоли етказиб бердилар. Бу билан беш йиллик план бажарилди! Шоли тайёрлаш ва топшириш бўйича эришилган бу ютуқ тўққизинчи беш йилликда олинган ҳосилдан икки баравар кўпдир.

Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз шоликорлари мусобақада ўрнак бўлмоқдалар. Бу ерда энг юксак кўрсаткичга эришилди. Ҳар гектар ердан 64 центнер ва ундан ҳам ошириб шоли етказилди. Хўжалик меҳнаткашлари пландаги 85800 тонна ўрнига беш йилликда 100629 тонна шоли етиштирдилар.

Айни вақтда Қорақалпоғистон шоликорлари ўримйиғимни тезроқ тугаллаш ва барча ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш йўлида бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚ

Бухоро областидаги навбаҳор **НАВБАҲОР РАЙОНИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ АЖОЙИБ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШДИЛАР.** Давлатга 41 минг тонна биринчи навбат пахта топшириб, йиллик планни бажардилар. Район пахтакорлари ялпи ҳосилни 60 минг тоннага етказишга бел боғлашган.

НАВОИЙ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ «НАРПАЙ» СОВХОЗИ пахтакорлари тайёрлов пунктларига 18 минг тоннадан зиёд хом ашё топшириб, йиллик планни бажардилар. Мавсум охиригача яна 8 минг тонна «оқ олтин» териб олишга қарор қилиндилар.

ПЎЛАТ АГРЕГАТЛАР СУРЪАТИ

Наманган областидаги Задарё районининг пахтакорлари пахта териш суръатини сезиларли даражада оширдилар. Бу район областда анча орқада қолмоқда эди. Районда ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 6,3 тоннадан пахта терилмоқда.

Ўтган куни «Гулбоғ» совхозидан Холдерали Қораев ва Александр Ким ўз машиналари бункеридан 21 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, мусобақада байроқдор бўлишди.

Наманган областида 2 хўжалик, 12 бўлим, 167 бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди.

Республикада 11 октябрь эрталабгача 4 миллион 732864 тонна пахта тайёрланди, шу жумладан 2 миллион 654451 тонна пахта машиналарда териб олинди. 224596 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Ўтган куни эса 9406 тонна ингичка толали пахта терилди.

Тошкент области **Чиноз районининг** меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Давлатга 31200 тонна хом ашё топширилиб, мавсум охиригача яна 3800 тонна «оқ олтин» териб олишга қарор қилинди.

ҚУРИЛИШ САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Республиканинг қурувчилари ва монтажчилари ўнинчи беш йиллик якунловчи йили плани ва зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Шу йил улар Ғарғонада триацетилцеллюлоза ишлаб чиқарувчи, Олмалиқ ва Самарқандда минерал ўғит ишлаб чиқарувчи объектларни, Қўқонда пайпоқ-йигирув комбинатини, Гулистонда ёғ-экстракция заводи ва бошқа корхоналарни ишга туширдилар ва улар маҳсулот бермоқда.

Чирчиқ шаҳрида капролактам комплексининг фойдаланишга топширилиши совет кишиларини, айниқса, қувонтирди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев шу комплексни бунёд этишда қатнашганларни самимий қутлади.

Самарқанд суперфосфат заводи қурилишининг қатнашчилари қилган меҳнатларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советидан юксак баҳо олдилар.

Республикада тўққиз ой ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди, 24 процент кўп уй-жой, 13 процент кўп умумий таълим мактаблари, 35 процент кўп мактабгача болалар муассасалари ишга туширилди.

Республиканинг асосий қурилиш ва монтаж министрликлари ва идораларида пудрат ишлари планининг бажарилиши қуйидагича бўлди:

	1980 йил январь-сентябрь плани бажарилиши	1979 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 1980 йилнинг январь-сентябрида процент
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	99,1	103
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	102	103
«Главташкентстрой»	103	104
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	108	106
Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»и	108	105
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	110	105
«Главсредазирсовхозстрой» (Ўзбекистон ССР территориясн бўйича)	100,8	100,9
«Узколхозстрой»	103	102

Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, баъзи тармоқларнинг объектларини қуришда анчагина қолоқликка йўл қўйилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг ташкилотлари Наманган химия заводини, Бухоро ип-газлама комбинатини, Косон ёғ-экстракция заводини, Қарши нон заводини, Ғарғона ун комбинатини, Жиззах сут заводини, Хоразм область Хонқа посёлкасидаги шоли оқлаш цехи ва бошқа баъзи объектларни қуришда қолоқликка йўл қўйилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг ташкилотлари Андижон парранда-чилик фабрикаси, Гулистон сут заводи ва Қоракўл пахта заводи қурилишида қурилиш-монтаж ишлари тўққиз ойлик плани бажарилишини таъминлай олмади.

«Главташкентстрой» бош қийим фабрикаси, компрессор заводи, абразив комбинатинги ишга туширилиадиган объектларида планни бажармаяпти.

Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган областларида мактаблар қуришда анчагина қолоқликка йўл қўйилди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё областларида ва Қорақалпоғистон автоном республикасида уй-жойлар ва мактабгача болалар муассасаларини қуришда қолоқликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари планда кўрсатилган цемент, оҳак, ғишт ва бошқа баъзи материал турларини анча кам берганликлари, «Узглавстройдревпром» корхоналари эса дурадгорлик маҳсулотлари ва пол тахталарини анча кам берганликлари сабабли ишга туширилиадиган баъзи қурилишларда бинокорлик материаллари ва конструкциялари етишмай турибди.

Қурилиш ва монтаж министрликлари, идоралари, ташкилотлари ва буюртмачи корхоналар куч ва маблағлар жойжойига сарфланишини яна бир карра кўриб чиқиб, уларни аввало ишга туширилиадиган объектларга йиғишлари керак. Октябрь-декабрда тўртинчи квартал ва умуман 1980 йилнинг ишга туширилиадиган ҳамма объектлари, шу жумладан Сирдарё ГРЭСидаги 9-энергоблок, Шўртан-Сирдарё ГРЭСи газ қувури, Ғарғона химия заводи, Андижон ва Бухоро тўқимачилик комбинатлари, Тошкент бош кийимлар фабрикаси, Косон ёғ-экстракция заводи, Жиззах сут заводи ва уйсозлик комбинати, Ғарғона областидаги «Фрунзенский» совхозида чўчқа боқиб семиртирадиган чорвачилик комплекслари, Сурхондарё областидаги «СССРнинг 50 йиллиги» номли совхозда танача ва новвос боқиб семиртирадиган чорвачилик комплекслари фойдаланишга топширилиши, уй-жой, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, маданий-маиший аҳамиятдаги бошқа объектлар қурилишидаги ишларни кучайтириш керак.

Бу нарса партия, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарларидан, шунингдек область, шаҳар ва район партия комитетларининг қурилиш штабларидан қурилишларда ташкилий ва сиёсий ишлар кучайтирилишини, коллективларни улар олдида турган масъулиятли вазифалар бажарилишига сафарбар этишни, бунинг учун илғор тажрибалардан фойдаланишни, Н. Злобин методига мувофиқ бригада пудрати ишларини кенгроқ жорий этишни, суткалик, ўн кунлик ва ойлик топшириқлар бажарилиши учун, 1980 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилиши учун, КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага бошчилик қилишни тақозо этади.

ИНСТИТУТГА ЮКСАК МУКОФОТ

СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти совет шарқшунослик фанини ривожлантиришдаги ва илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди. 10 октябрь куни Союзлар уйининг Колонна залида институт коллективига юксак мукофотни топширишга бағишланган мажлис бўлди.

Президиумда СССР Фанлар академиясининг раҳбарлари, иттифоқдош республикалар Фанлар академиялари делегацияларининг аъзолари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бор эди.

Тантанали мажлисни СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти партия комитетининг секретари Е. А. Лебедев очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий

ЎЗБЕКИСТОНДА ФИНЛЯНДИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ИНСОН ВА ТАБИАТ МАДҲИ

Республикамизда давом этаётган Финляндия маданияти кунлари муносабати билан Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида фин рассомларининг кўргазмаси очилди.

«Инсон ва табиат» деб номланган бу кўргазмада тасвирий санъатнинг турли хил ва жанрларига хос бир талай санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Фин гиламларининг бир тури бўлган гобелен тўқималари туркуми томошабинларда, айниқса катта қизиқиш уйғотаётир. Бу гилам ва гиламчалар турли табиий ва синтетик материаллардан санъаткорона фойдаланиш асосида яратилган. Кўргазмага қўйилган гобелен санъати фин рассомларининг халқ анъаналарини чуқур ҳис қилишлари ва яхши билишлари, шу билан бирга уни маҳорат билан тасвирлаш салоҳиятини кўрсатиб турибди. Бу санъат асарларидаги тематик ва гоявий мотивлар моҳий осмон ва бетиним дарё тўлқинлари мавжини кўз олдингизга келтиради. Сокин ўрмонзорлар ва беполён кўкламзорларда сайр этаётгандай ҳаловат оғушига кўмасиз...

Кўргазманинг умумий руҳияти сержилва табиат ва унга инсон муносабати билан суғорилган. Ҳар бир асар инсоннинг табиатга мафтункорлиги, ундан завқланиши, ундан ўрганиши, уни ўзгартира олиши ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳайкалтарошлик, графика, плакат, замонавий архитектура асарлари ва халқ амалий санъатининг гилам тўқиш, турли декоратив, шиша буюмлар ясаш, заргарлик санъати намуналари фин халқининг эстетик тасаввури, ҳозирги замон бадиий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини нақадар яхши ҳис этишидан дарак беради. Кўргазманинг кўпгина қисмига шишадан, биллурдан ясалган идишлар қўйилган. Томошабинлар фин рассомларининг бой ижодий фантазиясига қойил қолаётганликлари ҳақида дастхат ёзиб қолдирмоқдалар.

Графика бўлимида эса фин ёзувчилари китобларига ишланган иллюстрациялардан тортиб, алоҳида мустақил полотноларгача бор.

Кўргазма республикамизга узоқ Финляндиядан дengизлар ва водийлар оша олиб келиниши кўзда тутилиб, катта ҳажмдаги ва оғирликдаги ҳайкалтарошлик асарлари келтирилмаган. Дастгоҳ ҳайкалтарошлиги намуналарида фин халқининг ёзувчилари, ишчи ва хизматчилари, деҳқонларининг жўшқин ҳаёти меҳр билан ифодаланган.

Кўргазмадаги ранг-баранг бу асарлар Финляндия мингларлаб қўллар, беполён ўрмонзорлар ўлкасигина эмас, у минг-мингларлаб талантлар ватани ҳам эканини намойиш этмоқда.

Суратларда: кўргазма залларида.

«ҲАЗРАТИ ИНСОН» УКРАИН ТИЛИДА

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи фақат адиб ижодидагина эмас, балки адабиётимизда ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу асар ёзувчига катта шуҳрат келтирди. Халқларимизнинг дўстлигини, инсонийликни тараннум этган бу роман дунёнинг кўпгина халқлари тилларида чоп этилмоқда. Совет ишчилар синфи ҳақида ҳикоя қилувчи энг яхши бадиий асарлар учун Бутуниттифоқ конкурсида таниқли адибимизнинг «Ҳазрати инсон» романи иккинчи мукофотга сазовор бўлган.

Улуғ Ватан уруши даврида мамлакатимиз халқлари қардошлиги темирчи Шомаҳмудовлар оиласи мисолида асарда жуда ёрқин тасвирланади. «Ҳазрати инсон» романи бугунги кунда мамлакатимиздаги кўпгина халқларнинг севимли асарларидан бирига айланган. Яқинда бу роман украин тилида чоп этилди. «Ҳазрати инсон» романини истеъдодли украин таржимони Т. Иваненко таржимасида «Дніпро» нашриёти нашрдан чиқарди. Асарга ишланган ва унинг мазмунини ифода этган ажойиб безакларни рассом В. Василенко ишлаган. Ҳеч шубҳа йўқки «Ҳазрати инсон» романи украин китобхонларида халқимизнинг дарёдиллиги, инсонийлиги, уруш давридаги матонатли ҳаёти ҳақида ҳаяжонли таассуротлар қолдиради.

ТОКАЙГАЧА?

Фельетон

Карим Саъдуллаевни мақтанчоқ ёки ваъдабоз демаймиз, ҳафа бўлиши мумкин. Ваъданинг нимаси ёмон? Мақтаниш айб эмас-ку, деб туриб олсами?

Аслини олганда Саъдуллаев раислик қилаётган «Хоразм» колхози Хонқа районида ўртача хўжаликлардан бири. Гапнинг рости, хўжалик районда қолоқ ҳам, илғор ҳам эмас. Шунга қарамай раис пича кўкрак кериб мақтанишни хуш кўради. Баъзан эса аравани қуруқ олиб қочади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Машина терими дейсизми? — кўзлари сузилиб дейди у. — Ташаббус кўрсатиб тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Газеталарда босилган, юқори ташкилотлар маъқуллаган, ўқигандирсиз?

Раис бува ўша тадбирлардаги базси жумлаларнинг тагини қизил қалам билан чизиб қўйган экан.

— Мана сизга энг керакли жойи, — дейди у овоз чиқариб ўқиркан, — 6500 тонна пахта етиштириб, шу ҳосилнинг камида 80 процентини машиналар билан теріб оламиз. Планни 7 октябрда бажарамиз... Э-э, кечирасиз, план бир оз кечикди. Аммо суръатни бўшаштирмаяпмиз.

— Машиналар ишлаяптими?

— Ишлаганда қандоқ, 25 та машина икки сменада тўхтовсиз ишлаб турибди. Нима, ишонмайсизми? Ундай бўлса, еттинчи бригадани бориб кўринг. Ана ўшанда балли, демасангиз...

Хуллас, у айтгандай еттинчи бригадага равона бўлдик. Афсус раис мақтаган бригададаги аҳволни кўриб хунобимиз ошди. Мавжуд бешта машинанинг 3 таси пайкал четида савлат тўкиб турибди.

— Шпиндел барабанининг шестерняси синиб кетди, устахонадан топилса кошкийди, топилмаяпти, — механик-ҳайдовчи Аҳмад Ҳажиев «касал» машинаси ёнида нима қилишни билмай ер чизиб ўтирарди.

— Биз ҳам шпиндел барабанини алмаштирамиз, деб ремонтчиларнинг пойқадамига илҳақ бўлиб ўтирибмиз, —деди куйиниб механизатор Бекпошша Ражабова.

Еқуббой Каримов бошқараётган машина ҳам ишкал топиб тўхтаган экан: вентилятор подшипники ишдан чиқибди.

— Бу қанақаси бўлди? Учта машина бекор турса-я. Эҳтиёт қисмлар қачон етиб келади? Ремонтчилар-чи?

Терим-транспорт звеносининг бошлиғи Жонибек Каримов бу саволга жавоб бериш ўрнига елкасини қисиб қўйқолди. Аслида у терим техникаси сирларидан бутунлай бехабар экан, суҳбатдан сўнг маълум бўлиб қолди.

— Колхозда клуб мудири бўлиб тинчгина ишлаб юрган эдим, раисимиз звенога бошчилик қиласан, деб туриб олганидан кейин ноилож шу ерга кела қолган эдим, — дейди у.

Устахона мудири Одамбой Ботиров бузилган машиналардан бири атрофида парвона бўлиб юрибди-ю, бироқ техника хизмати кўрсатадиган звено ёзоларидан дом-дарак бўлмагани сабабли бир ўзи ишни эплолмаяпти. 7-бригада бошлиғи Қаландар Йўлдошев эса жиғибийрон. Негаки, вақт ўтиб боряпти, машиналар ремонтсиз тураверса, графиккинг тақдири нима бўлади? Аниқланишича, колхоздаги мавжуд 25 та терим машинасидан ҳар куни 5—6 таси бузилиб, бир неча соатлаб бекор туриб қоларкан. Наҳотки, ремонт учун масъул бўлган бош инженер Сафарбой Полвонов бундан бехабар бўлса?

Раис тилга олган тадбирларда тўрт қаторли ҳар бир машинанинг кунлик терим нормаси биринчи теримда 8—10 тонна, иккинчи теримда эса 6—7 тоннадан қилиб белгиланган экан. Ҳозир ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми аранг 3 тонна атрофида бўлиб қоляпти. Колхозда машина теримининг қолоқлиги сабаби ҳам ана шунда. Ж. Шарипов, Р. Раҳимов, Ж. Аниёзов бошлиқ бригадаларда машина терими графиклари мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда.

Белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетаётганлиги, машина теримидаги қолоқлик колхоз раҳбарларини ташвишга солмаётганлиги кишини ажаблантиради. Амалий иш билан мустаҳкамланмаган ваъда кимга керак? Колхоз раҳбарларига, биринчи навбатда Карим Саъдуллаевга савол билан мурожаат қилмоқчимиз:

Фурсат ўтар, сиз хотиржам
Ғафлатаро токайгача!
Суръат оқсар, паст сифат ҳам,
Нуқсон, хато токайгача!

Машиналар бузуқ ётар,
Ким оларкин ундан хабар?
Кимлар масъул! Ким жавобгар!
Чиқмас садо токайгача!

Раис бува, сўзланг ўйлаб,
Тарозини босгайми гап!
Ваъдаларни дўндириб зап,
Бўлмас вафо токайгача!

Фозил ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

КАНТЕМИРОВЧИ КОМИССАР

«Улуғ Ватан уруши йиллари қанчалик узоқлашса, биз шон-шараф билан босиб ўтган фронт йўллари хотирамизда шунчалик равшанроқ жонлашмоқда. Фронтдошлар дўстлиги бузилмасдир!» — 4-гвардиячи Кантемиров танк корпусининг «На штурм врага» газетаси собиқ редактори Г. Комардин яқинда тошкентлик дўстига ана шундай деб ёзди.

Кантемировчилар Ватанимиз тупроғини ва Европа халқларини немис-фашист босқинчиларидан озод қилишга, бу муқаддас ва қонли курашга муносиб ҳисса қўшдилар. Аввал 17-танк корпуси деб аталган бу қўшилманинг жанговар йўли 1942 йилнинг ёзида Воронеж шаҳрининг ғарбида Дон дарёси қирғоқларидан бошланди. Горшечное билан Воронеж оралигида 1942 йил июнида корпуснинг шахсий состави биринчи марта жангга кирди ва дастлабки синовдан шараф билан ўтди.

Ўрта Дон районида 1943 йил январида фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган матонати учун қўшилма 4-гвардиячи танк корпуси деган ном олди, корпуса ўзи озод қилган Кантемиров шаҳри номи берилди.

1943 йил қишида кантемировчилар қалин қор кечиб, Донбасдан Красноармейск шаҳрига шиддат билан кириб бордилар. Курск ёйининг Белгород-Харьков йўналишида фашистларнинг «Тигр» ва «Пантера»ларини яксон қилдилар. Тернополь шаҳрини озод этишдаги мардлиги ва қаҳрамонлиги учун кантемировчилар корпуси Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Корпус жангчилари Карпат тоғларида, Польша ерларида мардона жанг қилдилар. Краков шаҳрини озод қилганлиги учун корпус Ленин ордени билан тақдирланди.

Кантемировчилар танк корпуси Совет Қуролли Кучлари орасида биринчилар қатори Эльба дарёсига етиб борди. Дрезден шаҳрини озод этишда қатнашди. Чехословакияга шиддатли юриш қилиб, жанговар йўлни Прага яқинида тугаллади.

Уруш алангаларидан ўтган кўп минглаб кантемировчилар Ватанимиз озодлиги йўлидаги жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланганлар. Биз, ана шу собиқ жангчилардан бири, истеъфодаги гвардиячи майор Маҳмуд Йўлдошевич Зуфаров ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У жанговар шон-шуҳратга бурканган корпусда жанг қилди. Олдин 3-мотоўқчи бригаданинг миномёт батальони комиссари эди, кейин партия комиссияси секретарлигига, бригада штаби партия ташкилоти секретарлигига сайланди.

Маҳмуд Йўлдошевич урушдан олдин энг олижаноб касбни танлаган — болаларга билим беришни, уларга ҳаёт тажрибасини ўргатишни мақсад қилиб қўйган эди. Уруш университет аспирантининг ҳам қўлига қурол тутқазди. Лекин Маҳмуд ака урушда ҳам педагоглигича қолди. Комиссар ҳам педагог, тарбиячи, мураббий, фақат унинг иш шароити бошқа, синфхона, аудитория эмас, балки жанг майдони. Бу ҳам уруш шароитида энг масъулиятли, энг шарафли иш.

Леонид Ильич Брежневнинг гапларини эсланг. «Кичик ер» китобида шундай сатрлар бор: «Армияда ҳақиқий сиёсий ходим— теварак атрофига одамларни уюштирган инсон, бу одамларнинг кайфиятини, эҳтиёжларини, орзу-умидларини у миридан-сиригача билади, уларни фидойиликка, жасоратга бошлайди. Агар қўшинларнинг жанговар руҳи ҳамиша қўшинлар матонатининг энг муҳим омили деб эътироф этилиши ҳисобга олинадиган бўлса, ҳудди ана шу сиёсий ходимга уруш йилларида гоят ўткир қурол ишониб топшириб қўйилган эди...».

Гвардиячи майор Зуфаров урушда шу «гоят ўткир қурол»ни маҳорат билан ишга солди, партиявий сўз билан жангчиларнинг «юраги ва қалбини чиниқтирди», уларда манфур душманга нафрат ўтини алангалатди, муқаддас ғазаб уйғотди. Солдат қалбидаги душманга нафрат Ватанга муҳаббат туйғуси билан қоришиб шундай кучга айландики, бу куч олдида душманнинг қудратли ҳарбий техникаси ҳам ожиз бўлиб қолди.

— Фронт шароитида нафрат, ғазаб нималигини кўрсатиш учун бир мисол келтираман, — дейди гвардиячи майор ўша уруш йилларини эслаб. — Қизил байроқли Суворов, Кутузов орденли 3-гвардиячи мотоўқчи бригадамиз 1944 йил 27 июлда Львов шаҳрига кириб борди... Фашизм асоратидан омон қолган шаҳарликлар халоскорларини шоду ҳуррамлик билан кутиб олишди. Солдатларимизга гуллар тақдим қилишди. Лекин бу қувончлар ҳам львовлик аёллар кўзидаги ғам-ғуссани, улар бошига тушган азоб-уқубатлар, мислсиз мусибатлар солсини яшира олмасди. Уларнинг ҳикоясини эсласам ҳамон этим жимирлашиб кетади.

— Икки кун олдин келганингизда эди! Қани энди икки кунгина олдин келганингизда эди! — дейишарди улар.

Қўшинларимиз Львов шаҳрини озод этишларидан икки кун олдин фашистлар шаҳарнинг жуда кўп аҳолисини қириб ташлаган эканлар. Қариялар, аёллар ва гўдакларни бир ерга тўплаб, чуқур қазишга мажбур қилишибди. Шу ерда завод қурилади, чуқурга пойдевор ётқизилади деб алдашибди. Шу тариқа уларнинг ўзларига қабр ковлатишибди... Улар орасида ўқ еса ҳам ажали етмаганлар кўп экан. Устига юпқа тупроқ тортилган улкан қабр қимирлаб тураркан. Фашистлар ваҳшийлигидан ғўё замин қимирлаб ётгандек эди. Буни кўрган фашистлар мурдалар устидан танкни юргазишибди...

Ўша куни кечқуруноқ полкдошларим билан фашизмнинг ваҳшийлиги ҳақида суҳбат ўтказдим. Қани энди, шаҳарни икки кун олдин озод қилганимизда эди, неча минглаб совет қишларининг ҳаётини сақлаб қолган бўлардик. Фашизм асоратининг ҳар дақиқаси қанчадан қанча совет кишиларининг ҳаётини қирқади. Минглаб кишилар тақдири, жангчиларимизга уларнинг мардона курашига боғлиқ эканлигини тушуниб етиш, уларнинг кучига куч қўшади...

Гвардиячи майор Зуфаров жангчиларни Ленин партияси теварагига жипслаштириб, уларни қаҳрамонлик, мардлик ва матонатга ундаб, Дондан Одергача, Сталинграддан Берлингача жанговар йўлни босиб ўтди. Ҳамиша олдинги сафда бўлди, вақти келганда сафдан чиқкан командирлар ўрнини эгаллаб, солдатларни ҳужумга бошлади, жангнинг энг жиддий, оғир дақиқаларида «Коммунистлар, олға!» деб хитоб қилди. Кўкрагини базаб турган орденлар, медаллар унинг жангдаги жасоратидан, комиссарлик маҳоратидан далолат бериб турибди.

Урушдан кейин у республика матбуотида давлат сирларини сақлаш бошқармасига бошчилик қилди. Бошқа масъулиятли лавозимларда ишлади.

Уруш ветеранлари Совет комитети республика секцияси пропаганда сектори раисининг ўринбосари Маҳмуд Йўлдошевич ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У ҳамон комиссар — педагог, бу сўз унинг ҳаёти мазмунининг рамзи бўлиб қолган. Унинг адресига беполён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган хатлар — фикримиз исботи.

«Ҳурматли Маҳмуд Йўлдошевич! Биз, Ямполдаги ўрта мактабнинг «Қизил изтопарлар»и бизнинг шаҳримиз Ямполни фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этганингизни биламиз, шаҳримиз қандай озод қилингани ҳақида ёзиб юборишингизни ўтиниб сўраймиз. Илтимосимизни рад этманг, Сизнинг Ямпол шаҳри озод этилиши ҳақидаги батафсил ҳикоянгизни кутамиз»...»

Шу мазмундаги хатлар кантемировчи комиссарга 4-гвардиячи танк корпуси фашист босқинчиларидан озод қилган Тернополь ва Киевдан, Житомир ва Мценскдан, Шепетовка ва Львовдан, бошқа жуда кўп шаҳар ва қишлоқлардан кела бошлади. Жанговар шон-шуҳрат ворислари бугунги бахтли ҳаётимиз учун, Ватанимиз озодлиги, халқимиз бахт-саодати учун курашган кишилар тўғрисида батафсил маълумот олишни истайдилар.

Ана шу истакка жавобан «Гвардиячилар» китоби вужудга келди. Бу гвардияси комиссарнинг на фақат ёшларга жавоби, шу билан бирга кантемировчиларнинг мардлиги ва жасоратига, фашизмга қарши муқаддас жангларда қурбон бўлган қуролдош дўстлар хотирасига ёдгорлик бўлди. Китоб олдин Тошкентда, сўнгра Москвада нашр этилди. Бу ҳужжатли очерклар тўплами аслини олганда истеъфодаги гвардиячи майор Зуфаровнинг комиссарлик фаолиятининг давомидир.

Яқинда қуролдош дўстлар — запасдаги старший лейтенант, 4-гвардиячи Кантемир дивизияси ветеранлар советининг аъзоси В. Петрухин, батальон партия ташкилотининг собиқ секретари, ҳозир Сирдарё район халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси Умар Хўжаев ва бошқалар уруш йилларида солдатлар зўр эҳтиром билан «Михаил Юдъевич» деб атаган Маҳмуд Йўлдошевич Зуфаровни 70 ёшга тўлиши билан муборакбод қилдилар. У ҳамон жанговар постда. Уруш ветеранлари Советининг секцияларида иш олиб бормоқда, ёшлар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда, учрашувларда дивизия шон-шуҳратининг шоҳиди сифатида қуролдош дўстлари жасоратидан ҳикоя қилмоқда. Хуллас, Маҳмуд ака ҳамон комиссарлик хизматини ўтаяпти. Чунки истеъфодаги офицер бўлиши мумкин, лекин «истеъфодаги комиссар» ҳеч қачон бўлмайди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

«СОГДИАНКА»НИНГ СИРИ

Кўпгина эртакларнинг қаҳрамонлари излаган сирли тоши бўлган узукни энди магазинларда сотиб олиш мумкин. Душанба заргарлик заводи тайёрлаб чиқараётган бундай узукларга «Согдианка» деб ном берилди.

Узукнинг тоши ҳароратга қараб рангини бетўхтов ўзгартириб туради. Ҳозиргина у сариғиш тусда эди, узук бармоқка тақилгач ёқутдай товлана бошлади. Ҳарорат яна салгина ўзгарса, қаҳрабо, зумрад, мовий, очғунафша тусга киради. Хўш, бунинг сири нимада? Тоғ хрустали остида юпқа суюқ кристалл қатлами ётади. Суюқ кристалл ҳарорат салгина ўзгариши билан ўз тусини ўзгартиради.

Бундай суюқ кристалл составини заргарлар илтимосига биноан Тожикистон қишлоқ хўжалик институти физика кафедрасининг олимлари ишлаб чиқдилар. Бу ердаги махсус лабораторияда турли техник системаларда ишлатилувчи суюқ кристалларнинг оптик ҳодисасидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилади. Масалан, соддагина бир датчик қатъий температура режимида ишлайдиган қурилмалардаги хавфли ўзгаришлар тўғрисида вақтида хабар бериши мумкин. Суюқ кристаллар кўпгина приборларда ҳам пухта индикатор вазифасини ўтайди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Қурилиш ва архитектура. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Катта ўзгаришлар. Бадиий фильм, 1-серия. 15.35 — Кинопрограмма. 16.20 — Концерт. 17.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.10 — Мультфильмлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари куни. 19.35 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Эстрада программаси. 23.00 — Спорт программаси. 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Қўшиқ айтган етар муродга. 11.10 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Инсон ва қонун. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Буратино. Спектакль. 14.30 — Реклама. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.50 — Фильм-концерт. 19.20—Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ходимлари куни. Концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

13 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 —Гимнастика. 10.05 — «Қачон қор ёғади?» Фильм-спектакль. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Концерт. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 17.30 —Сиз яратган боғ. 18.00 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 18.35 — Бўғилар ва қўйлар. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.15 — Фестиваллар... Конкурслар... Концертлар. 23.15 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.05 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00. Оталаримиз йўлидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Кино оламида. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Илмий-оммабоп программа. 20.55 — Телефильм. 21.10 — Ёшлик. 21.40 — Телеочерк. 21.50 — Ўзингни билиб ол. Бадиий фильм.

РАДИО

12 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қуйловчи Ўзбекистон. 9.15 Табассум. 10.45 — Ҳ. Охунова куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари, Сизлар учун. 14.00— Ўзбекистон ерининг саҳоватн. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.55 — Куйлар. 18.15— Ёшлик. 19.30 — Спорт программаси. 20.25 — Классик куйлар. 21.00—Табассум. 22.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.15 — Пахтакор монологи.

13 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Съезддан-съездгача. 9.30 — Жиззах область бадиий ҳаваскорлари ижро этади. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Бахмал фахри. 13.30 — Енгил чолғу куйлари. 14.00 — Жиззах чўлининг саховати. 18.15 — Қўриқнинг индустриал маркази. 18.50 — Ёшлик. 20.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.00 — Фан уфқлари. 21.15 — Микрофон олдида Жиззах шоирлари. 21.35 — Ёш ижрочилар концерти. 22.30 — Жиззах области донгдор кишиларининг талабларига биноан концерт. 23.20 — Тинглаб, дам оламиз. Концерт.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кундузги тайёрлов бўлимига

1980 — 1981 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар шу ташкилотларнинг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб, инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимнинг 1-курсига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), санкциэта фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар 10 ноябргача қабул қилинади.

Кирувчилар билан суҳбат 15 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади.

Тингловчилар сафига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

УҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

УРТА МАКТАБНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ 1980 ЙИЛДА ТУГАТГАНЛАР МЕҲНАТ СТАЖИ БЎЛСА ҲАМ, ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, 7-хона. Тайёрлов бўлими қабул комиссияси.

Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлигига қарашли «ЎЗСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» трестининг

«ПРОМЭНЕРГОМОНТАЖ» КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА

Жиззах шаҳрида ишлаш учун газ-электр пайвандчилар, 4, 5, 6 разрядли усталар ва металл конструкциялар монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; қозончи-монтажчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 92-уй, III қават, кадрлар бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/Ҳда Келинлар қўзғолони (12.00), Фариблар (19.30), 14/Ҳда Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/Ҳда Ур, тўқмоқ (16.00), Кулги кечаси (19.30), 13/Ҳда Сув келтирган азиз.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (12/Ҳда 13.00, 16.00, 19.30да).

СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Беруний номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтининг СИРТҚИ УМУМИЙ-ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ 20 октябрдан бошлаб 2, 3-курс студентлари учун УҚУВ СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси нарбатчиси — 33-90-50.

Р. 02284. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 235. 6